

**ЖАМИЯТДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЕВРОПА  
ТАЖРИБАСИ (БУЮК БРИТАНИЯ, ГЕРМАНИЯ, ФРАНЦИЯ)**

Ashurov Abror Uralovich

Researcher of the Research Institute “Mahalla va oila”,  
Republic of Uzbekistan

**Annotatsiya**

Айни даврга келиб глобал экологик муаммолар қайтариб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатарни ўзида намоён этмоқда. Мавжуд муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ечимиға доир аниқ-таклиф ва тавсияларни илгари сурине кечикириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда экологик барқарорликка эришган давлатлар тажрибасини ўрганиш, миллий амалиётга мос жиҳатларини оммалаштириш, экологик хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи иқтисодий тизимдан босқичма-босқич воз кечишни жадаллаштириш энг муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун шубҳасиз, экологик барқарор тизимни жорий этишга мақсадли ҳаракат қилаётган ва ушбу мақсадга муайян даражада эришган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишдир.

**Калит сўзлар:** жамоатчилик экологик назорати, эконазоратнинг Европа тажрибаси, экологик барқарорлик, экология, атроф-муҳит, экофалсафа, экологик онг, тафаккур. Аксарият Европа давлатларида экологик муаммолар умуммиллий масалага айланди. Хусусан, табиий муҳитга гуманистик руҳда қараш, давлат органларининг миллий қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ саъй ҳаракатлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик масалаларга жиддий эътибори, кенг жамоатчиликни жалб этишга бўлган уринишлари, экологик ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ва уларни глобал маконда ўз ўрни ва ролини оширишга бўлган уринишлар амалда натижадорликка хизмат қилди.

Мутахассис А Олейникованинг келтиришича, «Буюк Британия атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш соҳасида миллий қонунчилигини фаол ривожлантираётган мамлакат, шунингдек, бу давлат нефт, нефт маҳсулотлари, табиий газ, калий карбонат, туз ва қўрғошиннинг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳокимият органлари функционал ваколатларга эга бўлиб, уларнинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашдир. Экологик масалалар бўйича назоратни мувофиқлаштириш функциялари «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги»га юклатилган. Атмосфера ҳавосига зарарли (ифлословчи) моддаларнинг чиқарилишини

ва унга заарли жисмоний таъсирларни бартараф этиш, башорат қилиш ва тартибга солиш Қироллик комиссияси ва миллий назорат хизматлари томонидан амалга оширилади. Минтақавий ва маҳаллий миқёсда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш туман кенгашлари, шаҳар ва маҳаллий кенгашлар, шунингдек, ихтисослаштирилган дарё кенгашлари ва денгиз балиқчилик қўмиталари томонидан амалга оширилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқаришнинг оператив функциялари асосан маҳаллий ҳокимият органлари (маҳаллий жамоалар) томонидан ташкил қилинади».

Эътиборга сазовор томони шуки, экологик назорат масаласи асосан маҳаллий хукуматлар зиммасига юклатилган бўлиб, ҳокимият органлари томонидан доимий мониторинг қилиб борилади. Бироқ, фуқароларда экологик онг ва тафаккур етарли даражада шаклланмаган бўлса ҳар қандай назорат ёки чеклов, турли кўринишдаги жазо чоралари ўз натижасини бермайди. Шу сабаб, Британияда фуқаролар экологик маданиятини юксалтириш бўйича барча тарғибот воситалари ишга солинади. Бу эса фуқароларда экогуманизмнинг юқори натижасини таъминлайди. Аксарият гарб экологларининг тан олишича Европада экологик вазиятни барқарорлаштиришда Британиянинг ўз ўрни ва роли мавжуд. Шу маънода минтақа мамлакатлари Британия тажрибасини ўз давлатларида оммалаштириш ташабbusларини мунтазам илгари суреб келишмоқда. Экологик назорат тушунчасининг ёрқин кўриниши сифатида шуни эътироф этиш керакки, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўз минтақасидаги экологик вазият учун ўзини масъул деб ҳисоблайди. Ўз навбатида, маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам экологик барқарорлик учун ҳомийлик қилиш, ҳудудда яшовчилардан атроф-муҳит муҳофазаси учун маблағ тўплаш ҳам ихтиёрий ва ташабbus кўрсатиш асносида амалга оширилади. Атроф-муҳитга заарли таъсир кўрсатадиган саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш, экологик таълим-тарбияни кучайтириш келажакка дахлдор масала сифатида қараш Британия тажрибасининг асосини ташкил этади.

Экологик назоратни амалга оширишнинг немис тажрибаси ҳам ўзига хос қарашлар ва амалий фаолиятни намоён этади. Маълумки, Германия жаҳоннинг етакчи ривожланган давлатларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий тараққиётнинг асосий улуши саноатнинг юқори даражаси билан боғлиқ. Шубҳасиз, саноатнинг ривожи экологик вазиятга муайян даражада салбий таъсир кўрсатиши мутахассислар томонидан исботланган. Ишлаб чиқариш суръатларининг ошиши атроф-муҳит ифлосланиши, табиатга майший чиқиндиларнинг катта миқдорда чиқарилишини тақозо этади. Бу борада немис халқи энг аввало вазиятни издан чиқишини олдини олиш мақсадида жамоатчилик онгини шакллантириш, жамоатилик назоратини тизимли ташкил этиш орқали натижадорликка интилишади.

«Германия Федератив Республикасида атроф-мухитни бошқариш бўйича федерал ижро этувчи орган 1986 йилда ташкил этилган «Атроф-мухит, табиатни муҳофаза қилиш ва ядровий хавфсизлик вазирлиги» (Атроф-мухит вазирлиги) ҳисобланади. Унинг вазифалари қаторига қўйидагилар киради: экологик сиёsatни олиб бориш; атроф-мухит сифатига қўмаклашиш тенденцияларини аниқлаш ва экологик сиёsatни ташкил этишда кўйи органлар фолиятини мувофиқлаштириш. Атроф-мухит вазирлиги таркибига қўйидагилар киради: атроф-мухитни муҳофаза қилиш федерал идораси, табиатни муҳофаза қилиш федерал идораси ва радиация хавфсизлиги бўйича федерал идора. Атроф-мухит бўйича федерал идора атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича марказий агентлик мақомидадир. Маълумотларга кўра, федерал ҳукумат соҳага масъул ташкилотларнинг барча ташабbusларини қўллаб-куватлади. Моддий имкониятларини мустаҳкамлашга доир тегишли қонунчилик базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади. Экологик фаолиятнинг илмий асосларига қаратилган лойиҳаларга ёрдам беради, соҳа вакилларининг ОАВ орқали олиб борадиган тарғибот ва ташвиқотларини рағбатлантиради. Энг асосийси, жамоатчиликнинг атроф-мухит муҳофазасига дахлдор ҳар қандай тавсиялари давлат эътиборида.

«Атроф-мухитни бошқариш ва экологик назорат тизимида Германиянинг федерал органи бўлган Роберт Кох институти алоҳида ўрин тутади. Унга рухсатномалар бериш, муомалага киритиш ва генетик модификацияланган организмларни чиқариши таъминлайдиган бир қатор функциялар юкланган. Шундай қилиб, Германия Федератив Республикаси демократик ва ижтимоий давлат сифатида қонун ва тартибни таъминловчи давлат ҳокимиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тажрибасига эга, келажак авлодлар учун масъулдир, инсон ҳаётининг табиий асосларини ва бутун табиатни ҳимоя қиласи, деган холосага келиш мумкин. Европадаги экологик назоратни амалга ошириш тажрибаси фикримизча икки жиҳатни ўзида акс эттиради. Биринчиси, йирик саноат ривожланиши шароитида экологик хилма-хилликни сақлаб қолишга эришиш бўлса, иккинчisi, аҳолининг экологик онги ва маданиятини ўстириш ҳамда кенг жамоатчиликни жараёнга жалб қилиш. Бунинг сабаби эса атроф-мухит муҳофазасини самарали ташкил этишда амалдаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлатнинг аралашуви ва бошқа омиллар ижобий самарадорликка қисман таъсир кўрсатади. Муаммонинг ечимидаги асосий жиҳат эса бевосита воқеликка жамоатчиликнинг аралашуви ва ҳар бир худудда фуқароларнинг табиат муҳофазасига доимий эътибори ва таъсир ўтказа олишидир.

Европа ва жаҳоннинг аксарият мамлакатларидан фарқли ўлароқ Франция конституциявий даражада атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзининг бош қонунида акс эттирган. Конституциянинг 34-моддасида фуқароларнинг

доимий ҳуқук ва мажбуриятлари қаторида атроф-муҳит муҳофазасига эътиборли бўлишлари лозимлиги белгилаб қўйилган. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида «Франция табиатни муҳофаза қилиш жамияти федерацияси ва Табиатни муҳофаза қилиш лигаси фаол иштирок этади. Францияда экологик хавфсизликни таъминлаш функциялари жандармерия томонидан амалга оширилади. Франция ҳукумати глобал иқлим ўзгаришларини олдини олиш борасида мунтазам ўз ташабbusларини доим илгари суриб келади. Сўнгти йилларда халқаро майдондаги кечеётган глобал экологик инқирозни бартараф этишга доир таклифларнинг қўпчилиги Франция ҳиссасига тўғри келиши фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, расмий Париж йирик экологик форумларни ўзида ўtkазиш бобида ҳам бошқа давлатларга ўrnak бўла олади. Сўнгти ўн йилда бундай йирик халқаро даражадаги музокараларни Францияда ўtkазилиши алоҳида эътиборга сазовор.

Умуман олганда атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик назоратга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ЕвроВифоқка аъзо барча мамлакатларда тизимли равищда амалга ошириб келинмоқда. Европа Иттифоқи табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ижодкорлиги ва бошқарув фаолиятини ривожлантириш истиқболларини белгиловчи сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экологик барқарорликни қўзлаб муайян лойиха ва дастурларни қабул қилмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, экологик назоратни самарали йўлга қўйиш ушбу йўналишда аниқ натижаларга эришган давлатлар тажрибасини ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмаслиги ойдинлашиб бормоқда. Шундай экан, халқаро тажрибанинг юқорида келтирилган ўзига хос жиҳатларидан миллий экологик барқарорлик йўлида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада қуйидаги вазифалар миллий амалиётда қўлланилиши лозим:

- Жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Жамият аъзоларининг экологик билим ва қўнималарини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазасига доир тарғиботни кучайтириш;
- Турли оммавий тадбирлар, кўргазмалар, танловларни мунтазам ўtkазиб бориши; Табиатга зарар етказаётган айрим ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятини кенг жамоатчиликка таништириш, турли экологик рейдларда фуқаролар иштирокини таъминлаш экологик назоратнинг янгича усул ва воситаларини қўллаш каби омиллар масаланинг ижобий ечими бўлиб хизмат қиласи.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. А. Я. Олейникова. Зарубежный опыт охраны окружающей среды в аспекте управления. Ученые заметки ТОГУ. 2014, Том 5, № 4, С. 767 – 775
2. Лютягина Е.А. Управление природопользованием и охраной окружающей среды в зарубежных государствах. Труды кафедры административного и финансового права: Современные проблемы публичного права в России и за рубежом /Отв. ред. А. Б. Зеленцов, А.М. Волков. – Вып. I. – М.: РУДН, 2011. – С. 89-100
3. С.А. Иванов. Эффективность экологических мероприятий в Великобритании и ведущих континентальных странах Европы в условия кризиса. file:///C:/Users/Admin/Downloads/effektivnost-ekologicheskikh-meropriyatiy-v-velikobritanii-i-veduschih-kontinentalnyh-stranah-evropy-v-usloviya-krizisa.pdf. С-130
4. Редникова Т.В. Основы экологической политики Европейского Союза.// Труды Института государства и права Российской Академии Наук, 2010, №2. – С.149
5. Б.Н.Омонов. Экологик глобаллашув ва унинг Ўзбекистон экологик сиёсатига таъсири. Фалсафа фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Қарши-2022. Б-155
6. Волков А.М., Лютягина Е.А., Игнатьева Ю.О. Германия и Швейцария: управление природопользованием и охраной окружающей среды . - М., 2010. - С. 126-134.
7. Волков А.М., Лютягина Е.А. Государственное управление природопользованием и охраной окружающей среды во Франции // Вестник РУДН. Серия. Юридические науки. – 2011. – № 1. - С. 90-98.
8. Д. Абдуллаева. Права и полномочия общественного инспектора: международный опыт. Экологическая безопасность и гражданская инициатива. № 12. Ташкент.2009. С-22.